
Эҳтиёжманд фуқаролар учун ифторлик маросимлари ўтказилмоқда
Муборак Рамазон ойининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги аҳамияти беқиёс. Ушбу ойда эътиборга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос маънавий қадрият ҳисобланади.

Шу боис ҳам, Президентимиз ташаббуси билан муборак Рамазон ойи кунларида юртимиз маҳаллаларида кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқаролар, нуронийлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда. Бу каби хайр-саховат тадбирлари Қува тумани маҳаллаларида ҳам ташкил этилмоқда.

“Қорақум” ва “Янгичек” маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ифторлик дастурхонига нуроний отахонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган оилалар вакиллари таклиф этилди.

Ифторлик дастурхонида ёши улуғ онахонлар дуога қўл очиб, юртимизга тинчлик, хонадонларга барака сўрашди, кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорлик билдиришди.

2023-04-07 13:36:51